

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри базаси маълумотларига кўра, 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига иқтисодийнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) 9 090 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 8 624 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 94,9 фоизини) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 20,6 фоизи), саноат (15,6 фоизи), қурилиш (9,3 фоизи) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (9,0 фоизи) тўғри келади.

2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодий тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	9090	100,0	8624	100,0
шу жумладан:				
Саноат	1418	15,6	1318	15,3
Қурилиш	849	9,3	822	9,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	820	9,0	770	8,9
Ташиш ва сақлаш	320	3,5	307	3,6

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Савдо	1868	20,6	1745	20,2
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	630	7,0	597	6,9
Ахборот ва алоқа	185	2,0	175	2,0
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	334	3,7	334	3,9
Бошқа тармоқлар	2666	29,3	2556	29,6



Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 91,3 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 46,0 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликлари, 21,9 фоизи хусусий корхоналар, 0,4 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 22,8 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида

2015 йил 1 апрель ҳолатига

2016 йил 1 апрель ҳолатига



- Давлат мулки
- Хусусий корхоналар мулки
- Фермер ва деҳқон хўжаликлари
- Акциядорлик жамиятлари
- Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар
- Бошқа мулкчилик шакллари

2016 йил январь-март ойларида жами 609 та хўжалик юритувчи субъектлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Хатирчи тумани (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 56,6 фоизи), Навоий шаҳрига (16,6 фоизи) тўғри келади.

